ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 30 август, якшанба • № 104-105 (22.342).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1991 — 1998 МУСТАҚИЛЛИК

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Америка халқи номидан Сиз ва Ўзбекистон халқини 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллик байрами билан табриклайман.

Ўзбекистон ўзи учун фаровон ва истиқболли келажакни барпо этишни давом эттирмоқда. Биз бу жараённи қўллаб-қувватлашдан ниҳоятда мамнунмиз. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида барқарор ва масъулиятли ўринни эгаллаб турибди. Қўшма Штатлар учун Марказий Осиёда тинчликни сақлаб туриш ва бозор муносабатларига асосланган очиқ иқтисодиётни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашда, Ўзбекистонда эркин демократик жамиятни барпо этишда Сизлар билан биргаликда ишлашдан мамнунмиз.

Мен мамлакатларимиз ўртасидаги жуда яхши икки томонлама муносабатларни қутлайман ҳамда келажакда Ўзбекистон ва Қўшма Штатлар ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик давом этишига умид қиламан.

Камоли эҳтиром ила,
Уилям КЛИНТОН,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Миллий байрам ва Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлиги санаси муносабати билан Сизга ва бутун ўзбек халқига ўзим ҳамда ватандошларим номидан энг эзгу истакларимни йўллайман.

Халқларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бораётганидан хурсандман. Тошкентда Гёте номли институт очилганлиги ва кўп сонли ўзбек талабалари биринчи марта Германияга ўқишга юборилганлиги бир-биримизни яна ҳам яхшироқ билиб олиш имкониятлари мана шундай қувонарли тарзда кенгайиб бораётганлиги тимсолидир.

Сизга ва бутун ўзбек халқига бундан буён ҳам турмушнинг барча соҳаларида тинч ва осойишта ривож тилайман.

Роман ХЕРЦОГ,
Германия Федератив Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг 7 йиллиги муносабати билан Хитой халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийларига ва дўст ўзбек халқига самимий қутловлар изҳор этишимга ижозат бергайсиз.

ХХР билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан кейин ўтган олти йил мобайнида иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар барқарор ривожланиб, турли соҳалардаги ҳамкорлик муттасил мустаҳкамланиб бормоқда. Хитой ҳукумати Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга юқори даражада эътибор бермоқда ва мамлакатингиз ҳукумати билан иккала халқ манфаатлари йўлида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга биргаликда куч-ғайрат сарфлашга тайёрдир.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик тилайман.

Мамлакатингизга равнақ ва халқингизга бахт-саодат тилайман.

Хитой Халқ Республикаси Раиси,
Цзян ЦЗЭМИНЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизни, мамлакатингиз ҳукумати ва халқини миллий байрам — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни билан самимий табриклайман.

Россия аҳли анъанавий дўстлик, тенг ҳуқуқли шериклик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қоидаларига асосланган Россия — Ўзбекистон муносабатларининг барқарор ривожланаётганидан мамнундир. Икки қардош халқнинг орзу-умидлари, халқаро тинчлик ва хавфсизлик манфаатларига мос келадиган бу тамойиллар Россия Федерациясига яқинда қилган давлат ташрифингиз натижасида янгича сифат касб этди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама самарали алоқалар бундан буён ҳам мустаҳкамланиши ва тобора кенгая боришига ишончим комил.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Шахсан Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақият, Ўзбекистон Республикаси халқига равнақ тилаб билдирган самимий истакларимизни қабул қилгайсиз.

Камоли эҳтиром ила,
Борис ЕЛЬЦИН,
Россия Федерациясининг Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Миллий байрам куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси халқига равнақ ва бахт-саодат тилаб билдирган энг эзгу истакларимни билдириб, Сиз Жаноби Олийларига қутловлар йўллаш менга беҳад мамнуният бахш этади.

ЕЛИЗАВЕТА II,
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг қироличаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан ўзимнинг самимий истакларимни Сиз, Жаноби Олийларига мамнуният билан йўллайман.

Ўзингизга маълумки, Марказий Осиёда муҳим роль ўйнаётган ҳамда ўз тарихи, ўзининг маданий таъсири ва мустақиллиги туфайли ҳурматга сазовор бўлаётган мамлакатингиз билан муносабатлар ривожланиб бораётганлигини қадрлайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари келгусида бундан ҳам мустаҳкамланаверсин.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

Жак ШИРАК,
Франция Республикаси Президенти

Шартномалар тузиб олишди

Самарқанд марказидаги Камол ота Турк номли кўчада халқ истеъмоли моллари кўргазмаси очилди. Шаҳарда фаолият кўрсатаётган барча турдаги корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари ва фирмалар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни намойиш қилишди. Бухоро, Жиззах, Қашқадарё вилоятларидан келган тадбиркорлар маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар билан тўғридан тўғри шартномалар тузиб олишди.

Лутфулло МАМАСОЛИЕВ

Янги алифбони ўрганиб

Янги ўзбек алифбосини ўрганиш ва ўргатиш янги ўқув йилида ўзига хос мазмун касб этади. Илк марта мактабга борадиган болаларга миллий алифбомизни ўргатишда муаллимлардан улкан масъулият талаб этилади. Янгибозор туман халқ таълими бўлими муаллимлар учун янги алифбони ўрганиш юзасидан ўқув машғулотлари ташкил қилди. Тўртта ҳудудий таянч мактабларида 400 нафар ўқитувчи янги алифбодан сабоқ бериш бўйича малака оширдилар.

Рўзимбой ҲАСАН

Французча пишлоқ

Сифатли маҳсулот бозорини топиб бораверади. Шаҳрисабз ёғ-пишлоқ ҳиссадорлик жамияти яқинда Франциянинг «Актини-интернационал» фирмаси билан ҳамкорликда сифатли пишлоқлар тайёрлашга мўлжалланган ускуналарни ўрнатди. Бунинг учун 250 минг доллар маблағни «Ўзгўштсутсаноат» акционерлик корпорацияси ажратди. Бир кунда 30 тонна сутни қайта ишлаб, икки турдаги «Эдем» пишлоқларини тайёрлаш имконияти яратилди. Корхона ҳисобчилари маҳсулотларнинг харидорбоп бўлиши эвазига харажатлар шартномадаги етти йилда эмас, икки йилдаёқ қопланади, дейишмоқда.

Юнус УЗОҚОВ.

Қишлоқлар чирой очди

Байрам арафасида Избоскан туманидаги «Пойтуғ» ширкатлар уюшмасининг учинчи бўлимида 844 ўқувчига мўлжалланган мактаб, «Араб» маҳалласида шифокорлик маскани фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишларини 533-ва 119-хўжаликлараро механизациялаштирилган кўчма жамланмалар амалга оширди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари В. Юсупов мустақиллик туфайли амалга оширилаётган ободончилик ва маданий-маърифий ишлар хусусида сўзлаб, ҳаммани айём билан қутлади. Қурувчиларга қимматбаҳо байрам совғалари топширилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн иккинчи сессияси 29 августда ўз ишини давом эттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессия ишида иштирок этди.

Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов бошқарди.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоиловнинг иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётган Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги Қонун лойиҳаси тўғрисидаги маърузасини тингладилар.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Хоразм вилояти Урганч тумани ҳокими Қ. Нуниёзов, Фарғона вилоятидаги «Қува-мебель» акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси М. Исмоилов, Андижон вилояти «Маҳаллий саноат» ишлаб чиқариш-савдо акциядорлик компанияси раиси Ш.Зайнобутдинов, Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани ҳокими Қ. Холдоров иштирок этди. Депутатлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги Қонунни қабул қилдилар.

Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳадов депутатларга қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тақдим этди.

Бу Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Қашқадарё вилоятидаги «Нефтгазсинов» акциядорлик жамиятининг раиси А. Абдуназаров, Тошкент шаҳар «Интер-Азия» корпорацияси бошқарувининг раиси К. Йўлдошев, Сирдарё вилоятидаги Ширин шаҳри ҳокими И. Эрбеков, Навоий вилоятидаги «Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятининг бош директори Ў. Рўзиқулов қатнашди. Парламент бу Қонунни ҳам қабул қилди.

Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитаси раиси И. Кочмарик сессияда Ўзбекистон Республикасининг Автомобиль транспорти тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Тошкент шаҳар «INTRANS» акциядорлик жамияти раиси Б. Қосимов, Нукус шаҳри ҳокими А. Аметов, Андижон вилояти Асака шаҳри ҳокими М. Содиқов, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари С. Турдиқулов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгашининг биринчи котиби Ғ. Машарипов Қонун лойиҳаси ҳусусида ўз фикрларини айтдилар. Автомобиль транспорти тўғрисидаги Қонун қабул қилинди.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, 21 кишидан иборат Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузди. Ғ. Барноев Марказий сайлов комиссиясининг раиси этиб тайинланди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ,қўмитаси раиси Н. Исмоилов Ўзбекистон Республикасида Адвокатлик фаолияти кафолатлари ва адвокатларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Сирдарё вилояти Ховос тумани ҳокими Р. Турдиев, Урганч Давлат университети ректори А. Саъдуллаев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов иштирок этди. Депутатлар Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаш ва уни умумхалқ муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари П. Қодиров депутатларга маданий бойликларни мамлакатдан олиб чиқиш ва мамлакатга олиб келиш тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тақдим қилди.

Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров, Миллий тикланиш демократик партияси раиси И. Ғафуров сўзга чиққанидан сўнг, парламент бу Қонунни қабул қилди.

Реклама тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақида Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Ҳошимов маъруза қилди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси Фарғона бўлимининг бошлиғи М. Мирҳамзаев, Оммавий ахборот воситаларини демократиялаш ва қўллаб-қувватлаш республика ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси Х. Дўстмуҳамедов қатнашди.

Депутатлар Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар ва уни кенг муҳокамага қўйиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Сўнгра Олий Мажлис айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритди, Ўзбекистон Республикасининг бир қанча давлатлараро битимларини ратификация қилди, мамлакатимизнинг бир қанча халқаро конвенцияларга қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилди.

Депутатлар Олий Мажлис сессияси котибияти раҳбари А. Тожиевнинг парламент ишлаб турган кунларда тушган мурожаатномалар тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий Мажлиснинг айрим қўмиталари таркибига ўзгартишлар киритдилар.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси шу билан ўз ишини тамомлади.

(ЎзА)



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XII сессиясида

Владимир МОЛГАЧЕВ ва Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Бу дунёнинг ишлари

Раҳбариятдаги ўзгаришлар

Россия Президенти Борис Ельцин мамлакатдаги раҳбар кадрларни янгилаш ҳақидаги қатор фармонларга имзо чекди. Масалан, Анатолий Чубайс Президентнинг халқаро молиявий ташкилотлар билан алоқа қилиш бўйича махсус вакили лавозимидан озод этилди. Бу лавозим бекор қилинди. Президент Борис Немцовнинг Бош вазир ўринбосари вазифасини бажарувчи лавозимидан истеъфога чиқариш тўғрисидаги илтимосини қондирди. Николай Хватков Россия ҳукумати аппаратининг раҳбари лавозимидан бўшатилди. Игорь Шоабдурасулов эса, Президент маъмурияти раҳбарининг ўринбосари лавозимидан озод этилди. Кечанинг ўзида Виктор Черномирдиннинг бўйруғи билан Шоабдурасулов ҳукумат аппарати раҳбарининг биринчи ўринбосари қилиб тайинланди ва ҳозирча ушбу аппарат раҳбари вазифасини бажариб турибди.

Ҳукуматга қарши норозилик

Гаванадан олинган хабарларга кўра, бу ерда ҳукуматга қарши манифестациялар ўтказилмоқда. Унда бир неча ўн минг киши қатнашмоқда. Улар «Бизга демократия беринг!», «Озодлик!» ва «Йўқолсин Фидель!» деган шиорлар билан чиқмоқдалар. Бундай воқеа Кубада коммунистик тузум фаолият юритаётгандан бери ўтган 40 йил ичида биринчи бор юз бериши. Ушбу намойишлар таниқли диссидент Рейнальдо Альфаро Гарсианинг уч йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилган трибунал биноси ёнида амалга оширилди. Манифестация ўн дақиқадан зиёд давом этди.

Қурол сотишмоқчи

Хитой Халқ Республикаси АҚШнинг Тайванга навбатдаги қуроллар партиясини сотиш режасини қоралади. Чунки, бу ҳодиса Хитойнинг бирлашув жараёнига жиддий зарар етказади. Кеча Тайваннинг Америкадан 350 миллион долларлик ракеталар ва қайиқларга қарши торпедолар сотиб олиши ҳақида эълон қилинган эди. АҚШ Тайван ҳукуматини расмий жиҳатдан тан олмаган бўлса-да, қурол сотишни давом эттирмоқда.

Ҳарбий объектлар ҳам зарар кўрди

Кучли сув тошқинлари натижасида Жанубий Кореянинг ҳарбий объектларига ҳам жиддий зарар етди. Ушбу зарар 300 миллион АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда. АҚШ муҳандислик корпуси вакилларининг баёнотига кўра, учта ҳарбий базанинг 450 дан зиёд бинолари вайрон бўлди. Сеуль ва унинг атрофидаги ҳарбий базалар жиддий зарарланди. 300 киши эса табиий офат натижасида қурбон бўлди. Мамлакатнинг 160 минг аҳолиси бошпанасиз қолди.

Авиайўналишлар ўзгармоқда

Канада авиацияси раҳбарлари авиайўналишларни ўзгартиришга мажбур бўлишмоқда. Чунки, Атлантика океани осмонида ҳаво шари ўз бошқарувини йўқотиб қўйганди. 150 метр баландликдаги улкан ҳаво шари осмондаги озон қатламини ўрганиш учун қўкка учирилган эди. Бироқ, уни ерга қайтаришнинг иложи бўлмаяпти. Айни пайтда шарни уриб тушириш учун иккита Канада қирувчи самолёти учирилди. Ҳаво шарига минглаб ўқ узилди. Бироқ уни бузиб ташлашнинг иложи бўлмади.

Истиқлол мушоираси

БУГУН БИЗНИ ТАН ОЛДИ ЖАҲОН

Миллатини бошлаб йўлбошчи
Иқбол томон қадам ташлади.
Дилда иймон, зўр ғурур билан
Мутлоқ янги тарих бошлади.
Салтанати шўро шу маҳал
Безовталик ила тўлғонди.
Юз йилларки, мудраб ҳориган
Миллатимиз, ҳайҳот, уйғонди.
Элнинг жасур танти ўғлига
Рухсорини очди истиқбол.
Соҳибқирон руҳи қўллади,
Юртимизга қайтди истиқлол.
Бахтимизни қўш берди Оллоҳ,
Бугун бизни тан олди жаҳон.
Халқ дуоси бўлди ижобат,
Жасоратда тенгсиздир сорбон.
Биринчи — бу оддий сўз эмас,
Жондан кечмоқ билан баробар.
Шу боисдан фидойиларни
Эл ардоқлар қиймат қадар.

Исматулла ЙЎЛДОШЕВ

Мустақиллик ва дунёқараш

Ҳаёт ва унинг тафаккур жараёнига таъсири

Мана шундай бир вазиятда одам мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амримаҳол...

Ислом КАРИМОВ

Жаҳонда қачонки онгли инсон бор экан, ҳаммасида бирор-бир мақсад бор. Яшаш тарзининг ҳар дақиқасини ана шу мақсад сари йўналтиришга интилади. Худди шу интилишдан дунёқараш келиб чиқади. Аммо мазкур жараённинг қандай муҳит, қандай вазиятларда вужудга келиши, шаклланиши, ривожланиши моҳияти мақсад ва дунёқарашнинг туб негизини белгилайди... Таъбир жоиз бўлса, бу — ҳаётнинг ёзилмаган ва қатъий қонуниятларидан биридир...

ХХ асрнинг охирида жаҳонда ахборот воситаларининг саноғига етиб бўлмаслиги тайин. Ҳаммаси кеча-ю, кундуз тарғибот билан шуғулланиб, муттасил бирор мафкура, ғоя, дунёқараш ҳақида ташвиқот олиб боради. Каттаданкичикни ўз айтаётганларига ишонтириш учун бор имкониятлари-ю истеъдодларини ишга солади. Дунёда манфаат бор экан, бу манфаатнинг ўз мақсади ва ҳақиқати бўлади. Манфаат ҳақиқати эса оммавий ахборот воситалари сўзи билан ҳимоя қилинади. Ҳамма мамлакат доираларида мазкур соҳага катта эътибор берилади...

Хўш, нега шундай? Агар бу саволга оддий жавоб берадиган бўлсак, ниҳоят бу — жаҳондаги турли-туман зиддиятлар, рақобатларга дош бериш, уллас, яшаш учун кураш демакдир. Ҳарбий маънода ҳам, иқтисодий мусобақаларда ҳам, мафкура соҳасида ҳам ана шу рақобатлардан огоҳ бўлиб туриш — ҳар бир жамиятнинг, онгли инсоннинг диққат - эътиборида туради. Шу жиҳатдан Президентимиз таъкидлаб ўтган бир фикрга эътиборни қаратсак фикримиз яна ойдинлашади: «...***Кишини доимо огоҳ бўлишга ундайдиган томон шундаки, агар, ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин...***»

Шундан ҳам маълумки, курашлар орасида энг мураккаб, энг қийин, айтиш мумкинки, энг ҳавфлиси мафкуравий курашдир. Бу кураш инсоният тарихининг ҳамма босқичларида ҳар хил шаклларда давом этган, бундан кейин ҳам худди шундай бўлади... «Қизил империя» ўзининг барча кирдикорларини инсониятни ана шундай курашлардан озод қиламиз қабилидаги реал ҳаётдан узилган, хомхаёл сафсаталар заминига «қурилган» мафкура билан жаҳондаги миллионлаб турли табақа, турли қатлам, турлича дунёқарашга эга бўлган инсонларни бир асрча чалғитиб келди-ку?! Оддий одамлардан энг кўп қисми бунга ишонди, эргашди, йўлдан адашди... Фуқаролар ҳамма жиҳатдан қарам бўлди, қарамликни «озодлик», бўғиб туришни «эркинлик», якка ҳокимликни «демократия» деб эълон қилди... Афкор омма дастлаб бунинг негизига тушунмай унга эргашди. Ота-боболаримиз аср бошида Темурийлардан кейинги хонликлар маҳдудлиги ва чор Россияси босқинчилигидаги биқиқликлардан тўйиб кетганларидан — дастлаб «қизиллар»га умид билан қараганлари сир эмас. Демократик эркинлик, мустақиллик ҳақидаги сафсаталар амалда кўринавермагандан кейин яна қарамлик жафоларидан фарёд чекдилар...

Истиқлол йилларида тарихимиз, миллий анъаналаримиз, маънавиятимизни тиклаш борасида амалга оширилган тадбирлар натижасида мустақиллик ғоясини қалбига жо этган ва этаётган янги бир авлод етишиб чиқди. Ёшларнинг йўли-ю, йўриғи бошқа. Чунки улар кўз очиб Истиқлолни кўрдилар. Шу руҳда таълим-тарбия олмоқдалар, ўсмоқдалар... Катталар эса ижтимоий ҳаётнинг иккинчи — яъни, сифат жиҳатдан бутунлай янги бир тузумини кўрмоқдалар. Шу туфайли эскидан қолган дунёқарашларини ўзгартиришга қийналмоқдалар. Бироқ «қизил империя» давридаёқ миллий истиқлол руҳида тарих, адабиёт, ҳаёт, мафкура бобида эркин фикрлаш ёки миллий маънавиятни тиклаш дарди билан яшаб келган, миллий қадриятларимиз — маънавий меросларимизни тиклаб, халқимиз қалбида уларга нисбатан ҳурмат-иззат ҳиссиётларини уйғотишга умрини бахшида этган ва худди шу фаолиятлари туфайли манқуртлардан доим дакки еб келганига қарамай, ўз йўлини давом эттирган катта авлод вакилларини қандай сифат билан аташ керак?! Улар ярим асрлар давомида қаршиликлар, таъқиқлар гирдобида бўғилиб, буюк Истиқлол шарофати ила қувурнинг кенг томонидан кириб тор томонида тиқилиб ётган сувдек отилиб чиққан бўлса, бундайларни — Истиқлол туфайли юзага чиққан авлод деб аталса хато бўлмаса керак. Мана, кўрдингизми, агар бирор ерда бирон бир табақа орасида жиндай иймон, виждон деган муқаддас инсоний дунёқараш сусайгудек бўлса, албатта қаёқдандир бирор мафкура унга бошқалардан кўра тезроқ ёпишади... Ўзининг ёлғон-яшиқ ваъдаларига эргаштиради, жамиятимиз учун эса энг хавфли кимсалар худди шу иродасизлар орасидан тезроқ етишади...

Агар етти йиллиги арафасида мустақиллик даврида босиб ўтилган йўлимизга назар ташласак, қисқа вақт ичида эътиборга молик ўзгаришлар юз берганлигини тан олишимиз керак. Буни жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда. Бу ниманинг белгиси? Бу, аввало, ҳаёт ҳақиқатларига тўғри қарай билиш қобилиятига эга бўлган софдил кишиларнинг тобора кўпайиб бораётгани белгисидир. Иккинчидан эса, ҳақиқатга тўғри қарай олиш, уни бузмай-ёрмай эътироф этишнинг ўзи — дастлаб шахснинг юксак маданиятлилиги ва мардона истеъдодлилигини кўрсатади. Негаки, оқни оқ, қорани қора деб баҳолашнинг ўзи ҳар бир инсондан муайян даражадаги савия, онг, тушунча ва шу билан бирга иймон-инсоф ҳам талаб қилади. Агар чуқурроқ ўйлаб кўрилса, жаҳондаги барча тушунмовчиликлар асос-эътибори билан воқеликка турлича қарашлар, шу заминда пайдо бўладиган зиддиятлардан келиб чиқади дейилса, хато бўлмайди. Ҳатто ота-бола, эр-хотин, каттакичик ўртасидаги келишмовчиликлар ҳам айни нуқтада пайдо бўлади. Бирининг фикрини иккинчиси қабул қилмасликдан кўп ҳодисалар рўй беради... Демак, ҳаёт — дунёқарашлардан иборат бўлиб, жамият, ижтимоий тузум бахт-саодати ҳам дунёқарашларга боғлиқ бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади...

Жумладан, Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги бугунги муносабат ҳар икки давлат раҳбарлари ўртасидаги зиддиятлар заминидаги дунёқарашдан келиб чиқмаяптими? Бу зиддиятлар оддий халқлар ўртасидаги қарама- қаршиликлардан эмас, балки уларнинг етакчиларига боғлиқ эканини жаҳон билади.

Миллат ва маънавият

Модомики, Мустақил давлат сифатида яшаётганимизга энди етти йил тўлаётган экан, Туркистон халқлари онгида, тафаккурида, турмуш тарзида чор Россияси босқинчилигидан тортиб «қизил империя»гача ҳукмронлик қилган — камида бир асрдан ортиқ давр таъсиридаги дунёқарашларни тубдан ўзгартириш муаммосига дуч келганимизни ҳаммамиз ҳам чуқур идрок этамизми?! Бу жараён нақадар оғир ва мураккаб кечишини ҳаммамиз ҳам тўла ва тўғри тасаввур эта оламизми?.. Таъбир жоиз бўлса, жамиятимиз тараққиётию, унинг келажакдаги тақдири худди шунга боғлиқдир. Агар фуқароларимизнинг барча тоифалари, ҳаммадан олдин зиёлилар қатлами, айниқса раҳбарлик лавозимида ўтирганлар тафаккурида мазкур жараённи муваффақиятли амалга оширишга қанча тез эришсак, истиқлолимиз — демак — Ватанимиз, халқимизнинг бундан буёнги ҳаёт-мамоти шунга боғлиқ бўлиб қолади.

Оммавий ахборот воситалари ижтимоий ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришлар, хусусан кейинги йилларда қурилган, қурилаётган заводлар, фабрикалар, қўшма корхоналар, ширкатлар, фирмалар, ўта йирик — машинасозликка оид корхоналар ҳақида мунтазам ёзиб туришибди. Янги тарихий шароитга мослана олмай банкротга учраётган қишлоқ ва шаҳар корхоналари, санацияга дуч келаётган жамоа хўжаликлари, айрим ўтириб қолаётган заводлар ва шу каби гоҳ хусусий, гоҳ давлатга қарашли иш жойлари ёпилиб қолаётгани мавжудлиги ҳам четлаб ўтилаётгани йўқ. Аммо бундай мураккаб вазиятларда яна чалғиш ва чалғитишлар бўлаётганини қандай баҳолаш керак? Бу ерда бир изоҳга эҳтиёж бор: жумладан, Сирдарё вилоятида ўн йиллаб бир жамоа хўжалигини барбод қилган, уни санацияга сургаб келган раисни — «санация» баҳонаси билан яна бошқа бир жамоа хўжалигига раис қилиб қўйишни қандай тушуниш керак? Бундай мисоллар учраб турибди. Агар чуқурроқ ўйлаб қаралса нуқсонларнинг ҳаммаси айланиб келиб раҳбар ва унинг атрофидагиларнинг тафаккурига, аниқроқ айтилса, дунёқарашига, ундаги эскилик билан янгиликни қандай идрок этишига бориб тақалади...

Вазирлар Маҳкамасининг кечагина ўтказилган ярим йиллик иш фаолиятлари якунига бағишланган анжуманда яна йўлбошчимиз қолоқлик сабаблари, раҳбар ходимларнинг қиёфаси, фаолияти, ўтириб қолаётган корхоналар, хусусийлаштириш билан боғлиқ ишлар ҳақида қанча фикр-мулоҳазалар баён қилганларини ҳаммамиз жон қулоғимиз билан эшитдик, кўрдик, ўқидик. Бироқ ундан тегишли хулосалар чиқара олиш, ўз фаолиятида шуни дастурилмал сифатида қўллаш — раҳбарлардан, барча софдил ва юксак онгли шахслардан янгича тафаккур талаб қилади. Тўғри дунёқарашни талаб қилади. Эскича қотиб қолган қарашлардан, боқимандалик кайфиятидан қутулишни талаб этади. Ана шу жараён қанча тезроқ амалга оширилса, муаммоларнинг тўғри ечими шунча тез топилади.

Баъзан йўл-йўлакай, маросим ва тўй-ҳашамларда айрим кишилар аввалги бозорлардаги нархнавонинг қандай бўлганлигини бугунга қиёслашади. Ваҳоланки, ўша пайтларда биз ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан қарам бўлганлигимизни эсламайдилар. Ахир «улар» халқимизнинг бутун бор-йўғини — ақлидан тортиб, етказган маҳсулотигача марказга боғлаб, ўзимизни қулга айлантирган эдилар-ку?

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, дунёқарашни ўзгартириш жуда мураккаб ва қийин жараён. Шунинг учун бўлса керак, эски шўро даврида «ўзи хон, қўланкаси майдон» бўлган, эндиликда отдан тушса ҳам эгардан тушишни истамаётган айримлар ҳамон эски тузумни қўмсаш билан хаёл суришмоқда, айримлари — «хўжакўрсин»га истиқлолчилик қилиб юришибди. Шу билан бирга, дунёқарашини тубдан ўзгартириб, мустақиллигимиздан чин манфаатдор бўлаётганларнинг сафлари ҳам тобора кенгайиб бораётгани кундек равшан.

Муқаддас ҳадисларимизда тарбия бешикдан қабргача узлуксиз давом этиши лозимлиги уқдирилган. Бу асли инсон маънавияти, дунёқараши, яъни тафаккурини тўғри йўналтириш устида ғамхўрлик қилиш демакдир. Ҳамон шундай экан, таълим-тарбия муаммоси катта-ю кичикка тенг деган сўз. Бу инсоният ҳаёти, жамиятида муттасил давом этади, ҳар бир давр бу масалага ўз мафкураси, ўз мақсади, ўз тафаккури нуқтаи назаридан ёндошади. Худди шу жараён фуқаролар дунёқарашини шакллантиради. Демак дунёқарашни йўналтириш оқибат-натижада жамият мафкурасини яратади. Истиқлол ғоялари асосида дунёқарашини тубдан ўзгартириб, бугунги жамиятимиз яратиб берган кенг имкониятлардан жуда унумли фойдаланаётган минглаб ёшларимизни кўриб турибмиз. Истиқлолимизнинг тўнғич фарзанди бўлмиш — ЎзДЭУда ҳозир садоқат ва маҳорат билан ўз қобилиятларини намоён қилаётган ёшлар фикримизнинг исботидир. Неча юзлаб ёшлар ҳунарли бўлиб, юксак технология сирларини ўзлаштириб, жуда катта ва мураккаб ишларни бажариш, бошқариш билан бирга ажнабий тилларни ҳам бемалол ўрганиб олдиларки, бу — ўзбек ёшларининг фақат истеъдодинигина намоён қилиб қолмай, уларнинг дунёқараши, тафаккурига катта ижобий таъсир кўрсатаётир. Бу жараён Истиқлол мафкурасининг дастлабки самараларидир...

Тошкентдаги «Оқлон» маҳалласида истиқомат қилувчи кулол Акбар Раҳимов ўз ҳунарини жондан севади, маҳорат ва малакасини мунтазам ошириб боради. Сабабини устанинг ўзи жуда оддий, аммо аслида чуқур асослаб беради. «Мен доим археологик қазилмалар туфайли қўлга тушаётган топилмалардан, халқимиз тарихидан аниқланган маълумотлардан илҳомланиб ишлайман», дейди. Ижодий ишда изланиш ва ундан тўғри хулосалар чиқара билиш муҳимдир. Истиқлол бу ҳунармандга кенг имконият яратиб берганидан доим миннатдор. Самарқанд вилояти, Ургут туманида яшовчи Бобур исмли бир кичкинтой (бошланғич синфда ўқиб туриб) ўзбек халқ қўшиқларига, мумтоз куй ва ашулаларга ишқибоз бўлиб қолади. Яқинда бу кичик истеъдод Муқимий шеъри билан айтиладиган классик ашулани маромига етказиб ижро этди. Худо хоҳласа, Бобур истиқлол фарзанди сифатида келгусида катта санъаткор бўлиб етишишига шубҳа йўқ.

Яна мисолларга мурожаат қилайлик: Тошкент вилоятидаги Янгийўл тумани фуқароси Аваз Қаршибоев Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ тадбиркорликка қўл уради. Ниятида қатъий туриб, ширкат тузади, пластмасса қопқоқлар, қутилар ишлаб чиқаришни бошлаб юборади. Ишни юритиш жуда қийин бўлишига қарамай бўш келмайди. Маҳсулот чиқаради, харидорини топади, сотади... Вақти келиб тажриба алмашиш мақсадида Малайзияга сафар қилади, дунё кўради. Ҳамон ишини давом эттирмоқда... Аммо Аваз Қаршибоев айрим аниқ ташаббуслар билан чиққан пайтларда тумандагилар уни қўллаб-қувватлаётгани, гоҳи вилоят ҳам қўллаши, бироқ республика миқёсидаги қатор тегишли ташкилотларга борганда ишлари юришмаётганидан куюниб ҳасрат қилади. Президентимиз, ҳукуматимиз тадбиркорларга қандай кенг йўл очиб бераётгани, ҳар томонлама қўллаётгани билан бир вақтда айрим амалдорлар иш юритишга доим тўсиқ бўлаётганларини таъкидлайди. Хуллас, ислоҳотлар жараёни билан боғлиқ муаммолар ўрта бўғин идораларида ўз ечимини тезроқ топиши ўрнига, бунинг акси бўлаётганини кўплаб тадбиркорлар неча марталаб арз қилмоқдалар... Бу гаплардан мақсад шулки, айрим қобилиятли тадбиркорлар ўз фаолиятларини ҳали мустақиллик бошидаёқ бошлаганлар; биз мисолга олган Аваз Қаршибоев бунга яққол далил-ку!.. Шундайлардан яна бири — Бахмал туманидаги Турсунбой Қўшмоқов. У киши серғайрат фермер. 35 гектар ери бор. Катта боғ яратган. 300 туп олма ва бошқа мевали дарахтлар, 3000 туп терак кўкартирди. Юзга яқин қорамол боқиб катта даромад олмоқда. Керакли машиналар — катта-кичик трактор, ҳатто ўзига ғалла ўрадиган комбайн ҳам сотиб олди... Агар Мустақиллик бўлмаса уларга шунча ер, боғроғ, молу, машина-тракторлар олишга қайси шўро амалдори рухсат берарди, ёки йўл қўярди... Колхозга қул бўлиб умри ўтармиди?! Ёки «бой, қулоқ, халқ душмани, хусусий мулкчи» деган тамғалар билан қамаб юборилармиди?! Ахир оддий деҳқон онгида, тафаккурида рўй бераётган бундай мустақил ишлаш, ташаббус кўрсатиш, ўз мулкига эга бўлиш ва шу билан тўқ, фаровон ҳаётга эришишга оид дунёқараш-у тушунчалар қаёқдан пайдо бўлди?! Бу фақат буюк Истиқлолимиз ато этган буюк неъматдир... Бизнинг жамиятимиз тараққиёти — ана шундай тафаккурга эга бўлаётганлар фаолиятига боғлиқдир.

Жаҳонда ғоявий курашлар авжга чиққан ва ҳар бир мамлакатда ўз мафкурасини ер юзига кўпроқ ёйиш, иложи борича инсонлар қалбини, дастлаб ёшларни — энг ишонувчан қатламлар онгини эгаллашга интилиш тобора кучайиб бораётган бир тарихий вазиятда Истиқлол мафкурасини чуқур идрок этишимиз, фуқароларимиз тафаккурига уни чуқурроқ сингиришимиз энг долзарб масала бўлиб қолди. Зеро, бутун маънавиятимизнинг туб негизи ҳам, олий мақсади ҳам шундан иборат десак, хато бўлмайди. Тараққиёт — тафаккуримизга, дунёқарашимизга, ниҳоят, бутун маънавиятимиз ривожига боғлиқдир...

Акмал АКРОМОВ

Куч — билим ва тафаккурда

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг «Тафаккур» журналидаги мусоҳабаси ва унда олға сурилган янгича ғоя ва назарий қарашлар миллий маънавиятимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Унинг моҳиятини, теран вазифаларни англаш, ўрганиш бугуннинг долзарб юмушига айлангани ҳам шундан далолатдир. Яқинда Наманган вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлими ва Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорликда «Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказди.

Йиғилганлар ҳузурида Наманган Давлат университети профессори А. Абдураҳмонов «Маънавият, мафкуранинг жамият, одамлар ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида», сиёсатшунослик кафедраси мудири М. Нишонов «Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон буюк келажагини рўёбга чиқариш учун юртдошларимизнинг мустақил фикрли, эътиқоди бут, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида шаклланган дунёқарашга эга бўлишларининг аҳамияти тўғрисида», вилоят халқ таълими ходимлари малакасини ошириш олийгоҳи ректори А. Мунавваров «И. А. Каримов: Куч — билим ва тафаккурда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мазмуни ва аҳамияти тўғрисида», Ўзбекистон ХДП Поп туман кенгаши биринчи котиби Ш. Абророва «И. А. Каримов мусоҳабасининг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш ва аҳоли ўртасида тарғиб қилишда фаол иштирок этиш — Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, ҳар бир партия аъзосининг долзарб вазифаси», Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси вилоят бўлимининг раиси И. Шарофиддинов «Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишда ёшларни умумий ва махсус билимларга эга, онгли, замонавий дунёқарашли, эркин миллий ва умуминсоний қадриятлар вориси этиб тарбиялашнинг аҳамияти», Наманган Давлат университети ёш олими О. Маматов «Халқимизни буюкликка элтувчи мафкура», республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Наманган шаҳар бўлими бошлиғи А. Аҳмедов «Йўлбошчимиз мазкур мусоҳабаси ва бошқа асарларида олға сурилган ғояларнинг миллий маънавиятимизни шакллантиришдаги ўрни ҳақида» маъруза қилдилар.

Анжуманда вилоят ҳокимининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати И. Юсупов ва ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Ҳ. Убайдуллаев сўзга чиқдилар.

Илмий-амалий анжуманда вилоятда мафкура ишини янада яхшилаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Қишлоқда кичик завод

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач қишлоқларимиз кўрки, тароватига тобора ўзгариб бормоқда. Ҳамма жойда бунёдкорлик, яратувчилик меҳнати билан турмуш фаровонлигига эришиш йўлида астойдил ҳаракат қилиняпти. Жумладан, қишлоқларда яшайдиган тадбиркорлар ҳам кўпайиб бормоқда. Улар ўзлари яшаб турган жойни обод қилиб, янги-янги иш жойлари яратмоқдалар. Бу билан ҳам ўз оилаларига, ҳам жамиятга катта фойда келтирмоқдалар.

Истиқлолимизнинг 7 йиллиги арафасида Қибрай туманидаги Ўнқўрғон қишлоғида бунёд этилган кичик завод фикримизнинг далилидир. Бу «Турон — 97» сутни қайта ишлаш кичик заводидир. Шунинги диққатга сазоворки, қишлоқ меҳнат аҳли хорижий мамлакатлар мутахассислари билан ҳамкорликда кўплаб ижобий ишларни амалга оширмоқдалар. Ўнқўрғондаги ушбу корхона ҳам Америка — Исроил қўшма лойиҳаси асосида бунёд этилди. Яна бир жиҳати қувончлики, ушбу завод «Солиҳ — деҳқон» фермер хўжалиги муассислигида фаолият кўрсатмоқда. Заводда кунига 3 тонна сут қайта ишланади. Хомашё эса қўшни хўжаликлардан ва оилалардан сотиб олинмоқда. Бу ерда қаймоқ, сметана, йогурт, бринза, творог, пишлоқ, қайнатилган сут қадоқланган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда. Кичик корхона маҳсулотлари қисқа муддатда ўз харидорини топаётир.

Суратларда: корхонада ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ва илғор ишчи Латофат Хожиева.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Бизни дунё танимоқда...

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллиги нишонланаётган шу кунларда кўпгина давлат ва жамоат арбоблари, чет эллик фан ва маданият ходимлари мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг боришига алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Бундан етти йил муқаддам шу сарлавҳада мақола ёзган эдик. Ҳақиқатан ҳам у пайтлар бизни дунё, биз эса дунёни таний бошлаган эдик. Қизил истибдоднинг ўзига ўхшаш қип-қизил қонли панжаралари эндигина парчалаб ташланган пайтлар эди унда. Ҳали кўпчилик мустақилликнинг ёруғ офтобига тик қарай олмай, кўзлари қамашиб қолган чоғлар эди. Ҳали кўпчилик кўролмовчилар, бизнинг мустақиллигимиздан сўнг аҳволлари ёмон бўлишини англаганлар, «барибир ўзбеклар мустақил давлат туза олмайдилар, барибир бизга бош эгиб келадилар», деб башорат қилаётган давр эди унда...

Шунга ҳам етти йил бўлиб қўйибди...

Бугун биз келажаги буюк мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллик муборак тўйини ўтказаяпмиз. Ана шу қисқагина етти йил аталмиш даврда қўлга киритган ютуқ-камчиликларимизни сарҳисоб қилаяпмиз. Ўзимизнинг ўзбекларда «қозонда бори чўмичга чиқади», деган нақл бор. Боболаримиз бу нақлни бежиз айтишмаган. Бундай орқага қарасак, биз етти йилда қўлга киритган ютуқларнинг юки жуда салмоқли экан. Кўз тегмасин. Эндигина истибдод занжирини узган мустақил мамлакатга бундай катта ислоҳотлар ўтказиш учун баъзан етмиш йил ҳам камлик қилади. Биз эса дунё ҳавас қилгулик улкан ўзгаришларни бор-йўғи етти йилда амалга оширдик. Олдимизда эса бундан-да улкан довонлар турибди. Юртбошимиз айтганларидек, биздан озод ва обод Ватан қолсин!

Сўзимизнинг аввалида бекорга бундан етти йил олдин мақолага қўйган сарлавҳани эсламадик. Зеро, бугун дунё бизни танигани билан эмас, дунё бизни тан олаётгани билан фахрланишга ҳақлимиз. Мана сизга оддийгина бир мисол: яқинда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Халқаро фанлар академияси ассоциациясининг «Жамият ва иқтисод» («Общество и экономика») журналининг 3-сони босмадан чиқди. Бу сон бутунлай Ўзбекистон, унинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий юксалишига бағишланган. Бугун кўплаб хорижий мамлакатларнинг давлат ва жамоат арбоблари, фан ва маданият дарғаларининг нигоҳи мамлакатимизда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда эканлиги ҳам бежиз эмас. Ана шу мисол ҳам аҳли жаҳон Ўзбекистонни — ўзбек йўлини тан олганидан далолатдир.

Олимлар журналнинг ушбу сонида Ўзбекистон миллий давлатчилигининг барпо бўлиш ва тараққий этиш жараёни, бозор иқтисодига ўтишдаги Ўзбекистон моделининг муҳим жиҳатлари, кўп укладли иқтисодни ташкил қилиш ва реал мулкдорлар синфининг вужудга келиши жараёни борасида атрофлича маълумот берганлар. Айни пайтда бу ишларнинг бошида турган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг улкан хизматларини очиб берганлар. У киши раҳбарлигидаги, мамлакат ҳукумати назоратидаги бозор малакасини пайдо қилиш жараёни ва усуллари имкон қадар очиб берилган. Зеро, таҳририятнинг ўзи кириш қисмида алоҳида таъкидлаганидек, мустақил Ўзбекистоннинг етти йилида ижтимоий ҳимоя ва иқтисодий ислоҳотлар ҳуқуқий базасига таянилган кучли ижтимоий-иқтисодий сиёсат юритилди. Бу эса ўз-ўзидан мамлакатда ижтимоий барқарорликни сақлаш, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш, диний экстремизм, маҳаллий келишмовчилик, маҳаллийчилик сингари низоларнинг авж олишига йўл қўймаслик каби имкониятларни яратиб берди.

Журнал таҳририяти айни шу талаб ва эҳтиёжни назарда тутган ҳолда махсус бир сонни мамлакатимиз тараққиёт йўлига бағишлаган. Махсус сон мақолалари Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодиёт институтининг етакчи олимлари — сиёсатшунослар, файласуфлар, иқтисодчилар томонидан тайёрланган.

Мутахассис олимлар ўз мақолаларида мамлакатимизнинг миллий йўли — ўзбек йўлининг ўзига хос хусусиятлари, унинг яратилишидаги Президент Ислом Каримов ҳамда мамлакат ҳукуматининг заҳматли ва шонли меҳнатлари хусусида батафсил тўхталганлар. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг афзалликларини атрофлича ёритиб берганлар. Шунингдек, мустақил Ўзбекистонда етти йил мобайнида олиб борилаётган кучли ижтимоий-иқтисодий сиёсат, чуқур ва узоқни кўзлаб олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар мамлакатда ижтимоий барқарорликни, тинчликни сақлаб келаётгани, маҳаллийчилик ва миллий низоларнинг олдини олаётганини ҳам журнал ҳайъати аъзолари ўз хулосаларида алоҳида таъкидлайдилар.

Мақола муаллифлари фақатгина қўлга киритилган ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, балки, ечимини кутаётган муаммолар хусусида ҳам тўхталганлар. Улар бозор иқтисодиётига ўтишнинг навбатдаги босқичи, макроиқтисодиётдаги барқарорлашув, молия-кредит тизимини янада ривожлантиришнинг навбатдаги вазифалари ҳақида ҳам фикр юритадилар. Шунингдек, мустақиллик йилларида Ўзбекистон жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли иқтисодий-маданий муносабатлар ўрнатганлиги, ривожланган мамлакатларнинг ишончли ҳамкорига айланиб бораётганлиги ҳам таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекчасига дангал гапирадиган бўлсак, «Жамият ва иқтисод» журналининг махсус бир сони мамлакатимиз ҳаётига бағишлангани билан ҳам фахрлансак арзийди. Чунки, журнал жаҳоннинг барча йирик давлатларида ўз муштарийларига эга. Демак, бу ҳам мамлакатимизни дунё тан олиши йўлидаги яна бир одим сифатида баҳоланса арзигулик ҳодисадир.

Ислом ҲАМРО,
Нурбек ТОШНИЁЗ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Янги талқинлар

Уммонга интилган ирмоқ

Заҳматкаш инсон, дейдилар, мен эса заҳматкаш тупроқ, дегим келади. Бўлиқ бошоқ бугдойи кафтимни тўлдиради, кўзимга суртаман, бўрсилдоқ тупроқдан нур эмади кўзларим. Оппоқ пахта қучоғимга сиғмайди, кетмон дастаси елкамга ботган, тупроққа босаман — роҳатланади елкам. Оёқларимнинг излари бор кенгликларга қараб: «Отамдан қолган далалар» — дейман, энтикиб...

«Эр киши ер сотмайди», — дейди ўзбекнинг бойи. «Тўймаганни ер тўйдиради» — дейди бу юртнинг донолари. Шу-шу ерга меҳр қўйиб яшайди ўзбек. Хаёллар оғушида экранга термуламан: ёлғон сўзлаш қулга одат, рост сўзлайди озод инсон. Истибдоднинг аянчли лавҳалари минг хил рангга чапланиб, кино тасмаларидан ўтаверади — «Отамдан қолган далалар».

Маънавий қулликдан озодликка чиққан одам дунёни моддият, деб англаши табиий. Вақт олий ҳакам, у ўзлигингни англатади, агар сен озод бўлсанг. Мустақиллик сабаб ўзбекона кинолар дунё юзини кўра бошлади. Қаҳрамон қилиб олинган икки ажнабийнинг бобоси тенги нуроний ўзбекларга ақл ўргатиши, маҳаллага қозилик қилиши тасвирланган сохта кинолар бир пулга қиммат эканлиги аёнлашди. «Отамдан қолган далалар» заҳмати эвазига топилган пул сохта ғояларга сарф қилингани бизнинг фожиамиз эди. Етти рақамида сир-саноат бор, дерди боболар. Балки унинг асрори сабаб, қуртак занжирини узиб, оламга чирой очган бардек, маънавий қулликдан озод-комилликка интилмоқда халқимиз — бу бизнинг шарафимиз. Яктагин этагини белбоғига қистириб мағрур кезади деҳқон «Отамдан қолган далалар»да.

Ривоят қилишларича: узоқ сафарга кетаётган ўғлон отадан изн сўраб, бир сиқим тупроқ олади. Шунда ҳамроҳи: «Нега отангдан тупроқ сўрадинг, ахир бир сиқим олтин сўраганингда ҳам берарди-ку! Эй, нодон» — дейди. Ўғлон: «бобомнинг, отамнинг ва менинг киндик қоним бор бу тупроқда. У аждодий меҳр ришталарини боғлатгувчи. Мен қаерда бўлсам ҳам шу тўпроқ фарзанди эканлигимни эслатиб тургувчидир», — дейди. Ҳа, туркий, сенинг қонингда Ватан оққан, оқаверади. Жаннатмакон заминнинг саховати сенинг меҳрингдан! Бир қўлингда кетмон тутиб дунёни тебратгувчи, илм-урфонига, онг-шуурига, заковатига тамал қўйгувчи сен. Қадрингни тоғдек кўтарган, руҳингни баркамол қилган отамдан қолган далалар! Шу тупроқдир!

Кино кинода, ундаги воқеалар ҳаётгийдан йироқ бўлади, дейиларди собиқ даврда. Чунки, сохта ғоя ҳаёт, миллат қонуниятларига зид, яъни ягоналикка хизмат қиларди. Миллатларнинг турмуш тарзи, аждодий маънавияти ҳисобга олинмасди. Воқеаларни қипқизил шиорлар бошқарарди. Мен кинода ҳаёт акс этади, дегим келди «Отамдан қолган далалар»ни кўриб.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Миллионер отахон

Сариосиё туманидаги «Боғибўстон» деҳқон-фермер хўжалигида асосан навли олмалар етиштирилади. «Тўрт ярим гектар майдонли боғдан бултур 2 миллион 600 минг сўмлик даромад олдик, — дейди боғбон Носирхон Тўрақулов. — Бу йилги ҳосил чўғи ҳам чаққи эмас». Боғбоннинг гапига қараганда лалми ерлардан 70 гектар майдон ҳам ўзлаштирилиб, боғу бўстонга айлантирилган экан. Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик, деганлари шу бўлса керак.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

«Шифобахшбулоқ» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти

«Шифобахшбулоқ» Тошкент маъданли сув ишлаб чиқарувчилар жамоаси буюк ҳуррият байрами — мустақилликнинг 7 йиллиги муносабати билан юртдошларимизни самимий муборакбод этади.
Ушбу етти йил муддатда мамлакатимизда қатор иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар амалга оширилди.
Биз ҳам амалга оширилаётган кенг бунёдкорлик ишларидан мамнун бўлиб, ана шу улуғ ишларга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишга ҳамиша интилиб келаётирмиз.
Халқимиз учун тарихий сана ҳисобланмиш ушбу улуғ айём кунларида юртимиздаги барча фуқароларни азиз Ватанимизга астойдил хизмат қилишга, унинг гуллаб-яшнаши йўлида бутун куч-ғайратларини аямасликларини астойдил тилаб қоламиз.
Юртимизда тинчлик - хотиржамлиқ, дастурхонимиздан эса қут-барака аримасин!

«Шифобахшбулоқ» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти

ЭНЕРГОПРОЕКТ ХОЛДИНГ

ҚУРИЛИШ-ЛОЙИҲА КОМПАНИЯСИ



Югославия "Энергопроект-Холдинг" компаниясининг Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси Ўзбекистон барча фуқароларини республика мустақиллигининг 7 йиллиги билан самимий қутлайди.

Иқтисодий ва маданий тараққиёт йўлига ўтган Ўзбекистонга буюк ва порлоқ келажак сари йўлдан дадил боришини тилаймиз.

Ҳар бир хонадонга қувонч, тўкин-сочинлик ва фаровонлик кираверсин!

Дунёнинг энг баланд минораси

Мана, 100 йилдирки, асримизнинг архитектура мўъжизаси ҳисобланмиш Эйфель минораси парижликларга олам-олам завқ-шавқ бахш этса, келаётган минг-минг сайёҳлар ҳайратдан лол бўлиб томоша қиладиган масканга айланган.

1886 йилда Парижда 1889 йилда бўладиган Жаҳон кўргазмаси учун архитектура соҳасида лойиҳалар танлови эълон қилинади. Танловга 100 дан ортиқ лойиҳалар тақдим этилади. Жаҳон кўргазмаси ташкилий қўмитасининг узоқ давом этган мулоҳазасидан сўнг, француз муҳандиси Александр Гюстав Эйфель тақдим этган, бағоят ғайриоддий бўлган жуда баланд бу минора лойиҳасини ғолиб деб топди. У шогирди Морис Кёшлин билан кўпгина кўприклар қурувчиси ҳамда Нью-Йоркдаги Озодлик маъбудаси ҳайкалининг металл каркасини ишлаб берган муҳандис сифатида машҳур эди. Эйфель номи билан тарихга кирган бу минора уч қисмдан иборат бўлиб, улар бир-бирининг давомчиси шаклида ўйланган. Тўртта оёқда турувчи, 16 таянч билан бир-бирига қотирилган пастки қисмининг баландлиги 60 метрча келади. Ҳамма таянчларга махсус гидравлик кўтаргичлар ўрнатилган, негаки биринчи платформанинг горизонтал ҳолатда туриши шу йўсинда таъминланган. Айнан шу биринчи қисмида жойлашган бар ва ресторанларга парижликлар ўзгача меҳр ва завқ билан ташриф буюришади.

Аммо шу ерлик бир қанча санъат арболари бу миноранинг қурилишига қарши чиқдилар. Уларнинг фикрича бу иншоот шаҳарнинг архитектура кўринишини бузар эмиш. Кейинчалик улар Париж архитектурасидаги бу янги иншоотга ройиш берган бўлсаларда, аммо ўз фикрларида муқим қолдилар. Улар орасида машҳур ёзувчи Ги де Мопассан ҳам бор эди. У бу дурдонага шу қадар совуқ муносабатда бўлардики, унга нигоҳи тушмаслиги учун Эйфель минорасидаги ресторанга тез-тез ташриф буюрарди. Негаки, Париждаги минора кўринмайдиган бирдан-бир жой шу ер эди-да.

Архитектура мўъжизалари

Минорани иккинчи қисмининг баландлиги ҳам биринчиси сингаридир. Лекин унинг сатҳи 116 метрга тенг. Бу ерга Париждаги энг обрўли газеталардан бири «Фигаро» таҳририяти жойлашгандир. Миноранинг энг баланд учинчи қисми пастдаги икки қисмидан шу билан фарқ қиладики, у юқорилаган сайин торайиб борган. Устки майдонча ердан 302 метр юқорида жойлашган. Бу ерда астрономик обсерватория, метеорологик станция бор. Қизил, оқ, кўк нур таратиб турувчи маёқ порлаб туради. Яна телекўрсатувлар ва радиоэшиттириш учун керакли антенналар ҳам ўрнатилган. Бу майдончадан Париж тевараги 80 километрлик радиусда кузатиш мумкин. Антенна билан Эйфель минорасининг баландлиги 320 метрга етади. У 1931 йилда Нью-Йоркдаги осмонўпар бино Эмпайр—Стайт—Билдинг қурилганига қадар, дунёдаги энг баланд иншоот ҳисобланарди. Эйфель минорасининг энг юқори қаватига кўтарилишни истаган ҳар бир кишини махсус лифтлар 15 дақиқада чиқариб қўяди. Кўтаргичлар ҳар соатда 400 кишини баландга чиқариб қўйиш қудратига эгадир.

Минора рекорд даражадаги муддатда; бор-йўғи 26 ойда 250 ишчи кучи билан қуриб битказилган. Бу орада ишчилар 2,5 миллион михпарчин билан 18000 детални бир-бирига улаб чиқдилар.

Архитектура дурдонасининг очилиш маросими жуда тантанали бўлди. Бу шодиёна улуғ француз инқилобининг 100 йиллиги кунларига тўғри келиб, қўшалоқ байрам бўлиб кетди. Шу вақтнинг ўзида Париждаги Бутун Жаҳон кўргазмаси ҳам ўз ишини бошлаб юборди. Миноранинг очилиш маросимига ярим йил тўлмасиданоқ, уни кўргани икки миллиондан ортиқ киши ташриф буюрди. Уни илк томоша қилгани келганларнинг орасида машҳур ихтирочи Томас Алва Эдисон ҳам бор эди. Ҳурматли меҳмонлар учун қўйилган «олтин китоб»га у «Бутун дунё муҳандислари Эйфельнинг бунёдкорлигига лол қолди. У Оллоҳ нозил қилган муҳандисдир», — деб ёзиб қўйди.

Кема чўкиб кетди

Филиппинга қарашли юк кема Тинч океанида чўкиб кетди. Кемадаги 10 нафар экипаж аъзосининг тақдири нима бўлгани ҳозирча номаълум.

Мазкур "Си Проспектс" кемаси ўз фалокати тўғрисида хабар тарқатганда, шу ҳудудда сузиб кетаётган икки кема ёрдамга етиб келди. Улар чўкаётган кема экипажи аъзоларидан 11 нафарини қутқаришга муваффақ бўлди, холос.

Ёмғир давом этмоқда

Ҳиндистонннинг Уттар-Прадеш штатида кучли ёмғир ҳамон давом этмоқда.

Хабарларга қараганда, табиий офат 762 кишининг ҳаётига зомин бўлган. Жуда кўплаб киши эса сув остида қолган тураржойларини ташлаб кетишга мажбур бўлмоқда.

Текширишни қўллаб-қувватлашини билдирди

Япония ҳукумати БМТ миссияси Суданда кимёвий қурол ишлаб чиқарилган ёки чиқарилмаганини текширган тақдирда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини билдирди.

Маълумки, АҚШ кимёвий қурол ишлаб чиқараётганликда гумон қилиб Судандаги "Аш-Шифо" фармацевтика корхонасига ракета зарбаси берганди. Бу эса Судан ҳукуматининг қатъий норозилигига сабаб бўлган ва у корхона фаолиятини текшириш учун БМТ махсус комиссияси ташкил этилишини талаб қилган эди.

Америка: ишдаги ишқ

Ажаб *дунё, савдо*

Мамлакат тарихида демократлар ҳали ҳеч қачон бундай кучли маънавий зарбага дуч келмаган эдилар. Бугун бутун Америка ҳайрат ва таассуфда десак, муболаға бўлмас. Бунақа шов-шув ҳар куни ҳам бўлавермайди — мамлакат Президенти телевидение орқали ўз миллатдошларига мурожаат этиб, кейинги етти ой мобайнида ёлғон гапириб келганлигини, Оқ уйда... Моника Левински хоним билан номақбул ишқий муносабатларда бўлганлигини тан олиб турибди.

Арказас штатининг собиқ губернатори Билл Клинтон 1992 йилги сайловларда мамлакат президенти Жорж Бушни енгиб Оқ уйга келганидан бери унинг атрофидаги машмашалар бир зум бўлса-да тингани йўқ. Аввалига мухолиф томон симёнлари Клинтон оиласини солиқ тўлашда даромадларнинг бир қисмини яширган деган масалани кун тартибига қўйишди. Кейин Пола Жонс деган аёл «Губернатор менга шилқимлик қилган»деб қатъий туриб олди. Сўроқ-истоқлар, текширувлар бир-бирига уланиб, президент ва унинг оиласи ўз ҳимоялари учун энг кучли адвокатларни ёллашга мажбур бўлдилар. Америка матбуоти хабарларига қараганда, улар ҳозиргача айбсиз эканликларини исботлаш учун камида 40 миллион доллар маблағ сарфлашган. Пола Жонснинг даъволари тасдиқланмагач, энди худога шукр, деганларида машмашалар уфқида гўзал ва латофатли Моника Левински пайдо бўлди.

Ёш Мониканинг ишқий саргузаштларга доир миш-мишлари яна «Уоттергейт» меҳмонхонасидан бошланди. Яна деяётганимизнинг боиси бор, албатта. Гап шундаки, Америка тарихидаги энг катта шов-шув мамлакат президенти Никсоннинг истеъфо беришига сабаб бўлган воқеа ҳам айни шу ердан бошланган эдида. Мана шу меҳмонхонада десангиз, кунларнинг бирида Моника якин дугонаси Линде Триппга бир сирни аста гуллаб қўяди. Оқ уйда ёрдамчи-стажёр бўлиб ишлаганимда президент билан ишқий муносабатларда бўлганман, мана исботи, деб унга ўша муносабатлар чоғи кийган кўйлагини кўрсатади. Якин дугонаси кейинроқ бу сирдан бошқа бир дугонасини воқиф этади ва гап ўрмалаб бориб махсус прокурор номи билан аталувчи Кеннет Старнинг қулоғига етиб боради.

Кейинги 4 йил ичида Клинтон атрофидаги нохуш миш-мишлар текшириб, айтарли натижаларга эриша олмаётган прокурор учун Моника хонимнинг доғли кўйлаги бебаҳо топилма эди. Кимсан президентга қарши иш кўзғаган ва ҳозирга қадар уни мағлуб эта олмаган прокурорни ҳам тушуниш мумкин — у ё ғолиб келиб, мамлакат тарихига киради ёки ютқазиб, бор обрўсидан ҳам айрилади. Шу боис Кеннет доғли кўйлакка асосланиб енг шимариб ишга киришади. Кўп уринишлардан сўнг Моника Левинскини Катта ҳайъат олдида жавоб беришга кўндиради. Клинтон бўлса шу йил январь ойида бу миш-мишлар мутлақо асоссиз эканлигини ёзма равишда рад этган эди. Аммо Левински хонимнинг қайта кўргазма беришга рози бўлганлиги кучлар нисбатини бир зумда Кеннет Стар фойдасига ўзгартириб юборди. Клинтон, афтидан, вазиятнинг нақадар мураккаб эканлигини ҳис этган ҳолда Катта ҳайъат аъзолари саволларига жавоб беришга розилик билдиради ва салкам беш соат давом этган бу нохуш имтиҳондан сўнг ёпиқ кабелли телеканал орқали миллатга мурожаат этади. Мана, ўша мурожаатнинг айрим ўринлари:

— Хайрли тун. Бугун кундузи мен ушбу хонада, ушбу ўриндиқда ўтириб, махсус прокурорнинг офисига ҳамда Катта ҳайъатга гувоҳлик тушунтиришларини бердим. Мен уларнинг ҳамма саволларига, шу жумладан, менинг шахсий ҳаётимга доир, Американинг бирорта граждани ҳеч қачон жавоб беришни истамайдиган саволларига ҳам жавоб қайтардим.

Маълумингизким, шу йилнинг январида қасамёд остида менга Моника Левински билан муносабатларим тўғрисида саволлар берилган эди. Гарчанд, менинг жавобларим юридик жиҳатдан тўғри бўлса-да, мен (ўшанда) ўз хоҳишим билан бу тўғридаги маълумотларни ошкор қилишни истамаган эдим. Аслида эса мен Левински хоним билан номақбул муносабатларда бўлганман. Бу менинг хатоим. Ақлсизлик билан қилган ишим ва менинг шахсий янглишишим. Бунинг учун фақат мен, менинг ўзим жавобгарман.

Бугун Катта ҳаъйатга ҳаммасини айтиб бердим, сизлар ҳам билиб қўйинглар — мен ҳеч қачон ҳеч кимни бўлган воқеани яширишга, ёлғон гапиришга, ашёвий далилларни беркитиш ёки йўқ қилишга ундаган эмасман.

Менинг бугунги иқрорим ҳамда шунча вақт бу тўғрида жим турганим одамларда асоссиз тасаввур туғилишга сабаб бўлди. Мен одамлардан, улар қаторида турмуш ўртоғимни ҳам янглиштирдим. Бундан ғоят таассуфдаман...

Бу иш фақат менга ва бу дунёда мен ҳаммадан кўра ҳурмат қиладиган яна икки кишига — рафиқам ва қизимга, қолаверса, ёлғиз Оллоҳгагина тааллуқли. Мен энди тўғри иш қилишим керак. Қанчалар қимматга тушмасин, бу ишни қилишга тайёрман. Мен учун бундан кўра муҳим бир иш йўқ. Аммо, бу менинг шахсий ишим. Мен ўз оиламга оила ҳаётини қайтаришни истайман. Бу — биздан бошқа ҳеч кимнинг иши эмас. Ҳатто президентлар ҳам шахсий ҳаёт деган ҳуқуқга эгадирлар.

Менга нисбатан ҳужумларни, шахсий ҳаётимга аралашишларни тўхтатадиган ва эътиборни мамлакатимиз ҳаётига қаратадиган пайт келди. Мамлакатимиз бу можаро билан жуда узоқ вақт банд бўлди. Бўлиб ўтган иш учун шахсан ўзим жавобгарман. Мен айтишим керак бўлган гапнинг ҳаммаси шу. Менинг қўлимдан келадиган ҳам — шу. Олга қараб юрадиган пайт келди, бу пайт алқаҳчон етиб келган эди...

Бугун бутун Америка шу эътироф билан яшамоқда. Кимсан президентнинг ўзи айбига иқрор бўлиб турибди, «мен сизларни алдаган эдим, ёлғон сўзлаган эдим» деб бўйнини эгиб турибди. Халқда «эгилган бошни қилич кесмас» деган нақл бор. Кимдир Оқ уйнинг энг мўътабар хоналаридан бирида содир этилган бу шилқимликдан фиғони фалакка ўрласа, кимдир «бу ҳам бир эркакчиликда» дея Биллга хайрихохлик билдирмоқда. Расмий сўроқларга қараганда, телеэкран орқали узр сўрашдан кейин президент фаолиятини маъқулловчилар сони анча камайган. Аммо, бошқа бир маълумотларга қараганда, аҳолининг етмиш фоизи барибир Клинтон томонида. Уни қўллаб-қувватловчилар озмунча эмас. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор.

Инсоннинг фароғон ҳаёт тўғрисидаги орзулари ҳамиша чексиздир. Бу борада энг юксак натижаларга эришган америкаликларнинг ҳам эртанги кун орзулари бисёрдир. Улар наздида эртанги ҳаёт янада эркин, янада фаровон ва янада озод бўлиши керак. Маъмурлар одамларга яхши яшаш учун, ўзликни намоён этиш учун, бу дунё лаззатларидан янада тўла баҳраманд бўлиш учун керакли шарт-шароитларни яратиб беришлари зарур. Токи, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётдаги ўз ҳолатидан, нуфузидан, даражасидан кўнгли тўлсин. Ушалмаган бирорта ҳам орзуси қолмасин.

Шу маънода ёш, серғайрат, ёқимтой ва «вужуди америкача шижоат ва америкача қатъият билан тўлиб-тошган, мовий кўзлари ошкора мафтункор» Клинтоннинг ҳокимият тепасига келиши ўзи каби ёш, навқирон америкаликларни бағоят руҳлантириб юборди. Гарчанд, мухолиф томони демократларнинг бу ютуғини Америка ҳаётидаги «ғўзал демократик лаҳза» деб баҳолаган бўлсалар-да, кўплар собиқ губернаторнинг имкониятларига ишонишди, унга умид кўзлари билан қарашди, миллат келажагини шу ёш президент номи билан боғлашди.

Шундай бўлди ҳам. Билл Клинтон маъмурияти мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўчмас саҳифалар бўлиб қоладиган натижаларга эришди.

Демократик партия тарафдорлари Клинтон маъмуриятининг ютуқлари сафига кейинги йилларда Америка Қўшма Штатларининг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори анча ошгани, Америка дунё давлатлари орасида ягона лидер сифатида халқаро миқёсдаги мураккаб, масъулиятли муаммолар ечимини ўз зиммасига олаётгани, регионал, ирқий ва бошқа можароларни ҳал этишда қатъият ва ташаббускорлик кўрсатаётгани ва ниҳоят, НАТО блокининг Шарққа томон кенгайишига эришилганлигини ҳам киритадилар. Албатта, бу муваффақиятлар рўйхатининг сўнгги қаторлари билан баҳслашиш мумкин. Лекин, гап шундаки, америкаликларнинг аксарият кўпчилиги ўз мамлакатларининг бундай даражаси билан фахрланадилар.

Клинтон ўз маърузаларида тарих Американи жаҳон миқёсида якка улуғ давлат бўлиш бахтига муяссар этганлигини ва америкаликлар бу имкониятдан тўла фойдаланишлари зарурлигини такрор-такрор айтади. Ўз ватандошларини мамлакатнинг ХХ аср адоғида эришган янги нуфузини бутун чоралар билан сақлаб қолишга, Америка манфаатларини ҳамма жойда ҳимоя қилишга чорлайди. Жамиятнинг яхлитлигини сақлаб қолиш, ирқий можароларни ҳал этиш, оила муаммолари, болалар тарбияси, маориф билан янада кўпроқ шуғулланиш, бу мақсадлар йўлида ҳеч нарсани аямаслик зарурлигини уқтиради. Уқтирадигина эмас, бу ниятлар йўлида амалий ҳаракатлар қилади. Президент ўз маърузаларидан бирида «Америка янги ХХI асрга янада қудратли бўлиб кириши керак» деди. Биргина президент эмас, жуда кўпчиликнинг фикри шу.

Аммо, уйдаги гап кўчага тўғри келмас, деганларидек, мамлакат янги қудрат қанотига миниб, янги аср сари парвозга шайланиб турганида, «фалокат оёқ остида» деганларидек, Моника хонимнинг можароси чиқиб қолди. Ишонган тоғда кийик ётмас, деймизми, аталадан суяк чиқди, деймизми, ҳар қалай, нима десак дейлик — бўлар иш бўлди, бўёғи кўчди. Моника хоним янги кўргазмалар бериш учун Катта ҳайъатга такроран чақирилди. Прокурор Стар от устида...

Бутун дунёга овоза бўлиб кетган бу ишқий можародан нима хулосалар англашилади?

Бу мураккаб саволнинг дастлабки жавоби шуки, инсон тафаккури, онг-шуурига йиллар, юз йилликлар давомида сингган, сингдирилган маънавий-ахлоқий қадриятларга доир кўникма-тушунчаларни ўзгартириш осон иш эмас. Ғарб ҳар ҳолатда ҳам, ғарблигича қолаверади. Дунё ўзгаради, авлодлар янгиланади, инсон ҳаётининг муҳим ўзанлари ўзгариши мумкин, аммо одам боласи ўзи шаклланган ахлоқий муҳитдан мутлақо узоқлашиб кета олмайди. Масалан, сизу биз, туғилган кунимиздан бошлабоқ «нонинг ушоғи ҳам нон» деган қатъий ахрим руҳида тарбия олганмиз. Ва, бу ахримни ҳеч ким, ҳеч қачон, ўзгартира олмайди.

Ғарбда инсон онг-шуурига ёшлигидан сингириладиган мана шундай қадриятлардан бири — шахс эркинлиги, ўзлик манфаати, оила ва никоҳ масалаларидаги уфқи кўринмас мустақиллиқдир. Бу эрк ва бу мустақиллик шундайки, одам ўз ҳаловати, ўз роҳати ва манфаати йўлида ҳеч қачон тўсиққа учрамайди. Ҳаловатнинг ҳамма йўллари очиқ ва бунга энг талабчан қонунлар ҳам изн беради. Бу эрк, бу мустақиллик туйғуси гоҳо меъёр сарҳадларидан ошганда, кўраётибмизки, ён-атрофларимизда Пола-Жонс, Моника Левински кабилар пайдо бўлади. Улар кўпчиликка нотаниш бўлмаган оддий маъшуқалар, қаршисида тош ҳам эриб кетадиган латофатли санамлар эмас, ўша эркинлик дарахтининг фавкулодда тарвақайлаб кетган шохлари, шохчаларида битган, ейиш ҳам, емаслик ҳам бир ташвиш бўлган мевалардир. Бу мевалар ўзлари осилиб турган ўша «суяги бузуқ» шохларга таянган ҳолда инсоннинг энг муқаддас ҳаёт гулзорларини мўлжалга оладилар. «Мени фалон пайт фалончи ўз оғушига олган, бағрига мана бундай тортган, мана бундай излар қолган» дея фахрланишдан ҳам тоймайдилар. Жамият бўлса гўё ҳеч нима бўлмаётгандай мийиғида кулиб тураверади — бизда эркинлик, бизда инсон ҳур...

Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг бир мақолини эсга солади: «Ҳар ким нима экса — шуни ўради». Ғарб бугун Моника Левински хонимнинг доғли кўйлаги мисолида ўз бағрида, ўша тарвақайлаб кетган шохида битган доғли ва аччиқ бир мевага дучор келиб турибди. Йиллар ўтар, кўйлак ҳам ювилар, аммо можародан келиб чиқадиган маънавий доғни ювиш Америка учун анча мураккаб кечиши аниқ.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Тошкент савдо техникуми томонидан 1990 йил 25 майда Баҳодир Оқмуродович Тожидинов номига берилган НТ-1 № 234049 рақамли техник-технолог мутахассислиги ҳақидаги диплом
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «S:lm LTD» хорижий корхонасининг думалоқ муҳри ва штампи йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти республика Олий Мажлиси депутати, Поп тумани ҳокими Абдуллаев Зоҳид Умаровичга турмуш ўртоғи
МАМАРАСУЛОВА Манзурахоннинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Тошшаҳарюктранс» давлат-акционерлик концерни бошқарув раёсати шу концерн қарашли 2505-автожамланма раҳбари Назрулло Нуриллаевич Исматуллаевга рафиқаси
АДИБАХОНнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

«Тошшаҳарюктранс» давлат-акционерлик концерни бошқарув раёсати шу концернга қарашли 127-автокорхона директори Рихсибой Ориповича Илҳомовга падари бузруквори
ОРИФ ОТАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ – ИСРОИЛ

ОСИЁ-ВЕСТ
OSIYO
WEST

ОСИЁ — ВЕСТ

Ўз жамоаси ва хориждий шериклар номидан барча ўзбекистонликларни буюк байрам — мамлакат Истиқлолининг етти йиллиги билан табриклайди.

Қўшма корхонамиз бундан буён ҳам кенг миқёсда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлайверади. Юртимиз доимо тинч ва фаровон, дастурхонимиз эса ҳамиша тўкин бўлсин!

ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ

«ЎЗМАЛОЙЛ» қўшма корхонаси

«Ўзмалойл» қўшма корхонаси Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатлар вакилларини Истиқлолнинг етти йиллиги билан табриклайди!

Ниятимиз сахий қуёш ўз нурларини аямаётган жаннатмакон ўлкада тинчлик ва осойишталик ҳукм сураверсин.

Юртимизни ёмон кўзлардан асрасин!





Aylin

ТУРКИЯ фирмаси

Ўзбекистон Республикасининг барча меҳнаткашлари — қадимий жондош ва қондош ўзбек биродарларимизни Мустақилликнинг 7 йиллиги қутлуғ байрами билан чин қалбдан муборакбод этади!

Туркиянинг «Айлин» корхонаси Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда ғўстлигимиз равнақига қўшаётган муносиб ҳиссаси билан фахрланади. Биз, турклар ўзбек қардошларимиз билан абадий биргамиз! «Айлин»нинг «Пикник», «Фингер», «Адора», «Кремали», «Бамбино» сингари 18 хил печеньелари харидорларга манзур бўлмоқда.

«АЙЛИН» ГЫДА САНАЙИ КОМПАНИ.

МАНЗИЛ

Тошкент ш. Тел: 34-53-65
Корхона: Оҳангарон ш. Холмуҳамедов кўчаси, 1-уй. Тел: (264) 51076.

UZBEKISTAN airways

Мустақиллик қанотларида 7 йил

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси барча юртдошлар ва Ўзбекистон меҳмонларини мамлакатимиз Мустақиллигининг етти йиллиги билан муборакбод этади.

Мамлакатимиз Президентининг доимий қўллаб-қувватлови ва ёрдами туфайли Ўзбекистон фуқаролар авиацияси чинакамига ривожланди. Халқаро йўналишларда янги ҳаво йўлларини очаётган миллий авиакомпания бутун жаҳонга қадимий ва янгиланган диёрни очмоқда, Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланиши ва халқаро нуфузи мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Жаҳонга машҳур фирмаларнинг замонавий самолётларига эга бўлган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси жаҳон авиаташиш бозорида теппа-тенг рақобатлашмоқда ва ҳақли равишда Марказий Осиё ҳамда МДҲдаги энг йирик авиакомпанияга айланди. Авиакомпания бундан буён ҳам ўзининг барча йўналишларида парвозлар хавфсизлигини ва йўловчиларга жаҳон даражасида хизмат кўрсатишни таъминлайди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» шонли диёримизда яшаётган барча кишиларга соғлиқ, бахт-саодат ва равнақ тилайди.

Жиззах вилояти дон маҳсулотлари ҳиссадорлик уюшмаси



Ўзбекистон халқини Мустақиллик байрами билан қизғин табриклайди.
Ватанимизнинг ғалла мустақиллиги йўлида тинимсиз изланиб, меҳнат қилаётган олиму ғаллакорларга ва бутун ўзбек халқига сиҳат-саломатлик, тинчлик ҳамда хотиржамлик тилайди.
Жиззахлик деҳқонлар бу йил барча майдонлардан мўл ғалла ҳосили йиғиб олиб, давлат буюртмасини ортиғи билан бажардилар.
Демакки, Оила йилида халқимиз дастурхони янада қут-баракали бўлади.

Ниятимиз шуки, юртимизда ҳамиша тинчлик, осойишталик барқарор бўлсин.
Мамлакатимизнинг барча маҳаллаю гузарларидан, шаҳару қишлоқларидан нон ҳиди аримасин!
Тандирларда тўлиб-тўлиб ёпилсин нон!
Нондек азиз бўлинг!

Жиззах вилояти дон маҳсулотлари ҳиссадорлик уюшмаси

Ўзбекистон Республикаси «Озиқ-овқат саноати» уюшмаси жамоаси

Мамлакатимиз халқини улуғ айём — Истиқлолимизнинг қутлуғ етти йиллиги билан чин юракдан қутлайди. Ҳар бир оилага тинчлик, осойишталик, бахт-саодат тилайди.

Кейинги йилларда уюшмамиз корхоналарида кенг миқёсдаги иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш борасида бирмунча ютуқлар қўлга киритилди. Янги-янги корхоналар бунёд этилди.

Айниқса, Хоразм вилоятининг Дўстлик шаҳрида бунёд этилган шакар заводи мамлакатимиз аҳолиси ва корхоналарининг ушбу маҳсулотга бўлган талабини қондиришда муҳим аҳамият касб этади.

Нукус шаҳрида эса соатига 4000 дона 1,5 литр сиғимли пластик идишларга ичимлик суви қуядиган асбоблар тўплами ўрнатилган янги корхона ишга тушди. Ғ.ектемир туманида эса «Кока-кола ичимлиги ЛТД» қўшма корхонасининг йилига 6 миллион декалитр яхна ичимлик қуйиш қуввати-га эга бўлган янги заводи ишга туширилди. Самарқанддаги хусусий «Нарзия» концерни эса йилига 1200 тонна музқаймоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сингапур-Самарқанд» қўшма корхонаси фаолиятини бошлади.

Истиқлол байрамлари газета ўртоқлари!

МУБОРАК,

ХУЛЛАС, ЮТУҚЛАРИМИЗ ТАЛАЙГИНА. БИЗ ХАЛҚИМИЗНИ ҚУТЛУҒ БАЙРАМ БИЛАН ТАБРИКЛАР ЭКАНМИЗ, БАРЧА ОИЛАЛАРГА ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ДАСТУРХОНИ ҲАМИША ТЎКИН БЎЛИШИНИ ТИЛАЙМИЗ!

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-44-55.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-89.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Ҳамид ИКРОМОВ, навбатчи Нурбек ТОШНИЁЗОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 19.866 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г —0232

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 2 .00.
123456.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА